Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

14 октябрь, сешанба, 1997 йил

Сотувда эркин нархда. № 210 (1727)

## РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

13 октябрь куни Вазирлар Маҳкамасида Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш бўйича республика комиссиясининг биринчи мажлиси бўлди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, банклар, муассасалар, ташкилотлар, олий ўқув юртлари раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, мазкур комиссия раиси Ў.Султонов бошқарди.

Республика комиссияси ҳамда Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурнинг устувор масалаларини амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳлар олдида турган энг долзарб масалалар ҳамда Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга оширишни таъминловчи меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳақидаги масалалар муҳокама этилди. Мажлисда республика Бош вазири, комиссия раиси Ў. Султонов ва Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев маъруза қилдилар.

Кўтарилган масалаларни муҳокама қилишда республика Бош вазирининг ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Б. Ҳамидов, меҳнат вазири О. Обидов, Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Г. Саидова иштирок этдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш бўйича ишлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши экани қайд этилди. Бугунги кунда халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш ўта муҳим сиёсий аҳамиятга эга. Ҳозир бу муҳим ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этиш зарурати чуқур англаб етилган.

Кадрлар тайёрлашнинг ҳуқуқий ва меъёрий асосларини Миллий дастур талабларига мувофиқ равишда фаоллик билан қайта кўриб чиқиш лозим. Мажлисда қайд этилганидек, узлуксиз таълимнинг барча босқичлари учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва ҳар томонлама жорий этиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Уч йиллик таълимни ташкил этиш, ҳар бир касб учун мутахассислар тайёрлаш мамлакатда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун зарур моддий техника базасини барпо этмай туриб, қўйилган вазифаларни амалга ошириш мумкин эмас, деб таъкидланди мажлисда.

Мажлис иштирокчилари мамлакат ҳукуматининг Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга оширишга қаратилган биринчи даражали тадбирларини муҳокама қилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Рисқиев, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов иштирок этдилар.

(ЎзА)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ТОВАРЛАР (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР) ЭКСПОРТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш бўйича чора-тадбирларни янада яхшироқ амалга ошириш, экспорт-импорт операцияларини тариф ва нотариф бошқариш усулларини тартибга солиш, экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Фармони қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ, республиканинг экспорт салоҳиятини ўстиришни таъминлаш масаласини ҳал эта бориб, 1997 йил 1 ноябрдан бошлаб, товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) барча турига экспорт божхона божлари, шунингдек, махсус маҳсулот турларининг кичик бир гуруҳини истисно этганда, товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини лицензиялаш бекор қилинади.

Рақобатбардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири эканини ҳисобга олган ҳолда, 1997 йил 1 ноябрдан ўзи ишлаб чиққан товарларни (ишлар, хизматларни) эркин муомаладаги валютага экспорт қиладиган корхоналар учун қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш жорий этилади.

Хусусан, харидорларга хизмат қиладиган ваколатли банкларнинг кафолати бўлган, амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган валюта тушиши муддатларига риоя қилинган ҳолда, бу корхоналарга ўз маҳсулотини олдиндан пул олмасдан ва аккредетив очмасдан экспорт қилиш ҳуқуқи берилди.

Маҳсулот ички бозор нархларидан арзон нархларда экспорт қилинган тақдирда корхоналар учун солиқ олинадиган база экспорт маҳсулотини сотишдан тушган амалдаги нарх билан ҳисоб-китоб қилинади.

Экспорт қилинаётган товар улуши маҳсулотни сотишнинг умумий ҳажмининг 30 ёки ундан кўпроқ фоизини ташкил этса, улар учун даромад солиғи ставкаси амалдаги ставкага қараганда икки баравар камайтирилади.

Фармондаги ўз маҳсулотини МДҲ мамлакатларига эркин муомаладаги валютада экспорт қилаётган корхоналар 1998 йил 1 январдан бошлаб акциз солиғи ва ҳукуматлараро битимларда бошқа жиҳат кўзда тутилмаган бўлса, қўшимча қийматга солинадиган солиқдан озод қилиниши ҳақидаги қарор маҳсулотини экспорт қиладиган корхоналар учун мақбул шарт-шароит яратиб беришга қаратилган ғоят муҳим рағбатдир.

Белгиланган имтиёзлар аниқ йўналишга эга бўлиб, экспортга юксак даражада ишланган тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарни рағбатлантириш учун қабул қилинган. Шунинг учун ҳам кўрсатилган имтиёз ва преференциялар савдо-воситачи ташкилотларга, шунингдек, хомашё ресурсларини (рангли ва қимматбаҳо металлар, қора металлар прокати, нефть, табиий газ, пахта толаси ва линт) экспорт қиладиган ишлаб чиқариш корхоналарига жорий этилмайди.

Фармонга мувофиқ, ташқи бозорларни маркетинг тадқиқотлари билан таъминлаш ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотни реклама қилиш мақсадида ўз маҳсулотини экспорт қиладиган мулкнинг барча шаклидаги ишлаб чиқариш корхоналарига хорижда савдо уйлари ва ваколатхоналар очиш ҳамда уларга консигнация шартларида товарлар етказиб беришга рухсат этилади.

Ўзбекистондаги товар ишлаб чиқарувчилар манфаатини ҳимоя қилишни таъминлаш, улар ишлаб чиқарган маҳсулотни ички бозорда рақобатбардошлилигини ошириш учун шароит яратиш мақсадида импорт божхона божлари қайта кўриб чиқилиб, бу божларнинг янги, унификация қилинган ставкалари тасдиқланди. Бу ҳолда Ўзбекистон Республикасининг «Божхона тарифи ҳақида»ги Қонунига мувофиқ 1998 йил 1 январдан бошлаб божхона божлари товарнинг (ишлар, хизматларнинг) божхона қийматидан келиб чиқиб ҳисобланиши эътиборга олинган.

Экспорт-импорт операциялари билан шуғулланаётган корхона ва ташкилотларни ахборот билан таъминлашни яхшилаш мақсадида манфаатдор вазирлик ва идораларга шу йилда давлат ташқи савдо статистикаси маълумотларини йиғиш ва ишлаш тизимини такомиллаштириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш топширилган.

Фармонда экспорт-импорт операцияларини тариф ва нотариф йўли билан бошқаришнинг барча меъёрлари, шунингдек экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар акс этгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг илгари қабул қилинган айрим қоидалари ўз кучини йўқотади.



● ПАХТА-97

## ЎЗИМИЗНИНГ ХИРМОН БУ!

*«Қара-чи, республика неча фоиз бўлибди? Пахтамиз уч милёнга етай деб қолибди, дейсанми? Яшасин азаматлар! Умрлари узун бўлсин-да, уларнинг».*

*Умрида эгат ораламаган олис тоғли қишлоқнинг отахони ўзбек пахтакорларининг қувонч-ташвишини юрагида шундай туйиб турганида, пахта даласидагилар не дейишаркин?*

*Ҳар куни таҳририятимизга мамлакатимизнинг турли бурчакларидан хушхабарлар келаяпти. Бугун эрталаб Китоб тумани ҳокими Ўктам Хидиров телефон қилди: «Икки кун бўлди, Қашқадарёда биринчи бўлиб режани бажардик. Айниқса, «Навбаҳор», «Зарафшон», Каромат Рустамова, Раззоқ Шайманов, Меликул Бобоев номидаги хўжаликларимизда ҳосилдорлик 33-45 центнердан тўғри келди». Пешиндан сўнг эса... катта довонни эгаллаган Хоразмдан қувончли хабар эшитдик. Янгиариқ тумани пахтакорлари маррага етибди.*

*Сиз суратда кўриб турган манзаралар эса Наманган вилоятининг Норин туманидаги «Катта Ўлмас» жамоа хўжалиги далаларидан олинган. Мухбиримиз Тоҳиржон Ҳамроқулов пахта териш машиналарининг «жонли нафас»ларини кузатибди.*

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуининг йиғилиши бўлди. Уни Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д. Ғуломова бошқарди.**

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятларининг ўтган 9 ой мобайнидаги фаолияти, хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар, «Инсон манфаатлари йили» дастурининг мажмуа тасарруфидаги ташкилотлар томонидан бажарилиши якунлари муҳокама этилди. Жумладан, кам таъминланган, кўп болали оилаларни, кекса ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ёшларни тарбиялаш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш борасида ижобий натижаларга эришилди.

Шу билан бирга хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқий маданиятни янада ошириш, оилани мустаҳкамлаш, балоғатга етмаганлар ўртасида олиб борилаётган тарбиявий ишлар кўламини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди. Бу борада «Аёл ва ҳуқуқ» минтақавий семинарларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ эканлиги қайд этилди.

(ЎзА)

Сурхондарё вилояти:

## ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

Сизни билмадик, лекин биз кўп эмас, икки кунгина Сурхондан олислашсак, юрагимиз яримта бўлиб, кўнглимизга ҳеч нарса сиғмай қолади. Э, сўраманг, бу тупроқда мингни айтасиз, миллион йилларнинг излари бор десак, ишонаверинг.

Сурхондарё ҳақида сўз айтмоқ осон эмас. Уни юз марта кезиб чиққан одам ҳам таърифлашга қийналади.



Негаки, унинг сирли замини қаърида нафақат Туркистоннинг, балки одамзотнинг ўлмас ўтмиши яширин

### ЖАНУБДА БИР ЖАННАТ БОР...

бўлса, устида... дунё-дунё бойликлар бор. Уларнинг қай бирини айтайлик:. «Пайғамбар ороли», Далварзинтепа, Термизий боболар, Сўфи Оллоёр ҳазратларининг муборак қадамжолари, Македонский кўприги... Эҳ-е, яна ўнлаб, юзлаб ғаройиб гўшалар борки, сўз ҳам, тавсиф ҳам етмайди.

Бир ёнда бахшиси «Алпомиш»дан достон айтади, бир ёнда елкаси ер кўрмаган полвони давра, чавандози майдон айланади. Пахтакори, чорвадорига эса тариф йўқ.

Энди азизлар Сурхондан эшитинглар, Сурхондан!

### КУМУШ ФАВВОРАЛАР ШАҲРИ

**Термиз шаҳрини машойихлар афсонавий Қақнус қушига ўхшатишади. Қақнус қуши куйиб кул бўлади. Лекин тирилиб, қайтадан яшариб кетаверади.**

**Милоддан аввалги VII асрда шаҳар сўғд салтанатига бўйсунган. Сўнг аҳмонийлар, эфталитлар, эрон, грек, араб, мўғул истилочилари...**

Шаҳар ҳимоячиларининг жасурлигидан ғазаби қўзғаган Чингизхон 1220 йили сопол қувурлардан сув отилиб турган, боғларида фавворалар ўрнатилган Термизни (эски Термизни) тириклайин дафн қилади.

1376 йили Балхга юриш чоғида Амир Темур шу заминда илк бор ўзларининг пирлари -- Саид Барака ҳазратлари билан учрашади. Пир ҳазратлари Амир Темурга зафар тилаб, у кишини биринчи марта «Соҳибқирон» деб атайдилар. Темурийлар -- Шоҳруҳ мирзо ҳамда Халил Султон Термизни обод қиладилар.

Хожа Аҳмад Яссавий русларнинг Туркистонга бостириб киришини 700 йил илгари башорат қилганлар.

Чор Россияси Термизга қадами етиши билан бу ерда ҳарбий казармалар қура бошлади. Шу-шу СССР замонида ҳам Москва Термизга шунчаки ҳарбий-стратегик истеҳком деб қаради. СССРнинг Афғонистон билан мақсадсиз уруши йилларида оналарнинг Аму дарёсининг нариги соҳилидан қайтмаган ўғлини сўроқлаб чеккан оҳ-ноласидан Термиз замини ларзага тушди. Термизлик азиз-авлиёларнинг руҳи безовта тортди.

Юртимиз мустақилликка эришиб мамлакатимизнинг жанубий дарвозаси, қадимий шаҳар карахт уйқудан уйғонгандай, эски Термизнинг фавворалари жонланиб кетгандай бўлди.

Термизнинг бугунги манзараси хусусида шаҳар ҳокими Ҳусан Умаров шундай деди:

-- Олти йил бўлмаган одам бугун шаҳримизга келса, уни таний олмай қолиши мумкин. Мусулмон оламининг 96 шайхларидан бири, фақирлигу камбағалликни ўзига рағбат деб билган, IX аср сўфийлик-ҳакимийлик жамоасини ташкил этган Шайхулислом Абу Абдуллоҳ ал-Ҳаким Термизий ҳокипойлари обод қилинди. Қарийб 7 аср давомида қурилган Султон — Саодат мажмуи (бу ерда Муҳаммад пайғамбаримизнинг авлоди-- Ҳасан ал-Амир қабрлари бор) таъмирланмоқда.

Бугунги кунда Термизни пиёда кезиш — сайр этиш мумкин. Чунки кўчаларимизни, хиёбонларимизни, чиройли иморатларимизни, маданият ва спорт масканларимизни томоша қилган одамнинг чарчоғи босилади, десам муболаға бўлмас. Қурилиш ишларимиз кўлами кенгайиб бормоқда.

Хорижий сармоядорлар билан ҳамкорлигимиз йўлга тушиб кетгандай бўлди. 1993 йилда республика Молия вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигидан рўйхатдан ўтган«Сурхон Аджанта Фарма ЛТД» қўшма корхонаси мана шу йилнинг 8 ойи мобайнида 63,6 миллион сўмлик дори-дармон ишлаб чиқарди. Корхона халқаро фармацевтика уюшмасининг сертификатини олади. Корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотлар жаҳон бозорига чиқарилмоқда. Воҳамиз тоғларининг шифобахш гиёҳлари ўз технологик тизими билан ҳозирча яқин хорижда ягона деб баҳоланаётган корхона учун хомашё бўлади.

Қўлимизда чет эл сармоядорлари ҳамкорлиги ва иштирокида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг салоҳиятли рўйхати бор. Шу рўйхатга кирган «Сурхонпластик ЛТД» қўшма корхонаси, «Ф' Пўлат Алп» корхонаси яхши қувватлар билан ишлаяпти. «Ўздунробита» қўшма корхонаси 8 ойда 15,2 миллион сўмлик алоқа хизматларини адо этди. Энда бўлса Америка-Австрия-Голландия давлатлари сармоядорлари билан ҳамкорликда пахтани чиқитсиз ишлайдиган қайта ишлаш корхонасини қуришни мўлжаллаяпмиз.

**Дарёлар ўзанларидан айро тушиб оқади.**

**Дарёлар, сирли хилқатки, бора-бора ўзанларини топиб оқади.**

Шарқнинг шарофатли шаҳри, саодатманд шаҳри ҳисоблиниб келган Термиз ўз шаъну шуҳратига йўлдош бўлиб қолади.

● БУХОРО ВА ХИВАНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА

## БАЙРАМГА ҲОЗИРЛИК ҚИЗҒИН

Бухоро ва Хива шаҳарларининг қутлуғ 2500 йиллиги тўйи тобора яқинлашмоқда. Улкан умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган бу тантаналарнинг юксак савияда ўтказилишини таъминлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Ушбу юбилейларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитаси аъзоларидан бир гуруҳи Хивага келди. Бу ерда тегишли вазирлик, қўмита, уюшма ва идоралар раҳбарлари иштирокида юбилейга ҳозирлик қандай бораётгани муҳокама этилди, байрам тадбирлари ўтказиладиган жойлар кўздан кечирилди.

Республика маданият ишлари вазири Х. Жўраев, юбилей театрлашган томошасининг бош режиссёри Р. Ҳамидов ахборот берди. Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Т. Жўраев юбилей муносабати билан ўтказиладиган илмий конференцияга ҳозирлик билан боғлиқ масалаларга тўхталди. Йиғилишда тайёргарлик ишларини ниҳоясига етказиш юзасидан мутасадди раҳбарларга аниқ кўрсатмалар берилди.

Муҳокамада Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов, Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев сўзга чиқди.

Йиғилишда вилоят ҳокими И. Юсупов қатнашди.

(ЎзА)

● ҚУТЛУҒ КУН

**Ватанимизнинг қадимий шаҳарлари -- Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллиги шодиёналарига саноқли кунлар қолди. Ҳадемай, карнай ва сурнай садолари кўкни титратиб, улкан маъракалардан элга хабар беради. Бутун Ўзбекистон ўз намояндаларини бу кекса шаҳарлар тўйига йўлга ҳозирламоқда. Бухоро ва Хива ЮНЕСКОдай халқаро ташкилотлар, ўнлаб хорижий давлатлардан ташриф буюрадиган меҳмонларни кутишга шайланмоқда.**

## ТАБАРРУК АЙЁМЛАР

Юбиляр шаҳарларни тўйга мукаммал ҳозирлаш учун мамлакатимиз раҳбарияти, ҳукуматимиз, Бухоро ва Хива вилоятлари ҳамда шаҳарларининг ҳокимликлари, усталар, меъморлар, ҳунармандлар, қурилиш ва таъмирлаш ташкилотлари кейинги бир неча ойлар мобайнида кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилдилар. Тан бериб айтиш керак, шу қисқа муддатда ўн йиллар мобайнида қилиниши мумкин бўлган улкан ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари бажарилди.

Бу шаҳарларнинг нураб бораётган қаддини қайтадан таъмирлаш, меъморчилик бойликларини тўла-тўкис тиклаш, тиклаганда ҳам, уларни ёшартириш, янгилаш, ободонлаштириш учун беҳисоб маблағлар ва куч-қудрат керак эди. Ўзбекистон мустақил бўлиб, ўз бойлик-бисотларига тамомила ўзи эга бўлсагина, бундай орзу ҳавасга қодир эди. Худди шундай бўлди.

Яқин ўтмишда, собиқ совет тузумида бу шаҳарларни тиклаш у ёқда турсин, ҳатто емирилаётган тарихий ёдгорликларини асраб-авайлаб қолишга ҳам айрича муносабат кўрсатилди.

Бахтимизга, истиқлол қуёши балқиди. Унинг нурлари бу шаҳарларимизнинг пешоналарини ёритди, уларга қайта ҳаёт бағишлади.

Мустақиллик йилларида улуғ бир қонуният амалга ошди. Истиқлолга эришган мамлакатнинг истиқболи, келажаги ҳам нурли, мунаввар бўлиши керак. Аммо бу орзу-ҳавас ўз-ўзича амалга ошмайди. Унинг пойдевори, асосини яратиш керак эди.

Бу асос, замин -- халқнинг ўз-ўзини англашидек буюк омилда эди. Чунки асрлар мобайнида ўзга манфаатлар, ўзга дунёқарашлар, бегона мафкуралар таъсирида, тазйиқида яшаган халқ кўп нарсалардан айрилган эди: у ўтмишдан бегоналашган, асрий қадриятларни унутган, ҳатто бу ўтмиш ва бу қадриятларга ҳадиксираб, ёвсираб қараш руҳида тарбия топганди. Бундай маънавиятни қайта уйғотиш, асл миллий ҳолатига келтириш учун ўтмишни, қадриятларни ҳам уларга асл ҳолида кўрсатиш ва бутун бойлик, жозибаси билан қайта тиклаб намойиш этиш лозим эди.

Сўнгги олти йил ичида бу жабҳада кўп ишлар қилинди. Асрий маданий бойликлар халққа қайтарилди.

Бугун бу ҳақиқатни жаҳон тан олмоқда.

Ўзини англаган, таниган бу ўлкани, бизни бутун олам ҳам англамоқда ва танимоқда.

Бугун Бухоро ва Хиванинг улкан тўйлари ҳам дунё миқёсида нишонланяпти. Чунки бу шаҳарлар ўзларининг узоқ тарихи мобайнида инсониятга нур, маърифат, маданият тарқатди, умумбашарият цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшиб келди. Шу шаҳарларда вояга етган Ибн Сино, ал-Хоразмий, ал-Берунийлар дунё халқларининг муаллимларига айланди.

Бухоро ва Хива тарихда кўп талофотлар кўрди. Юнонлар, араблар, мўғуллар ... Эҳ, нимасини айтасиз, эсласак юраклар куяди. Чор Россияси босқинчилари, большевиклар ва «қизил»ларнинг хунрезликлари-чи? Шунча қирғин ва талотумлардан сўнг ҳам Бухоро ва Хива қайтадан тикланаверди.

Бухоро ва Хиванинг узоқ тарихи маънавий сабоқ, ибрат ва ўгитларга бой. Жумладан, бу шаҳарлар умрбоқийлигини англашга интилишнинг ўзи кишини маънавий юксакликка етаклайди.

**М. САФАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

